



MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 05-oktabr 2021
Ma'qullandi: 10- oktabr 2021
Chop etildi: 15- oktabr 2021

KALIT SO'ZLAR

Хива хонлиги, Бухоро амирлиги, Дурронийлар сулоласи, Бараказайлар сулоласи, "Шоҳид-ул иқбол", кирон

Стратегик жиҳатдан муҳим ўринни эгаллаган Афғонистон давлатидаги юз бераётган воқеалар бугунги кунда дунё нигоҳини марказида. Юз йиллар илгари ҳам Афғонистон масаласи долзарб мавзу сифатида халқаро жамоатчилик диққат эътиборида бўлиб келди. Тарихда инглиз-афғон уруши ва ўзаро сулолалар курушида қатнашган Афғон амири Абдураҳмонхоннинг нажот истаб ўзбек хонликлари ҳудудига келгани хусусида сўз юритишга киришилган экан, қўшни давлатлар тақдири ўзбек давлатчилиги сиёсатида муҳим масала сифатида аҳамиятга эга бўлганлигини кўрсатади.

Анъаналарга содиқ қолган ҳолда, ҳудудда кечаётган воқеаларга ташқи сиёсат принципларига таяниб, Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 30 йиллик байрамига

АФҒОН АМИРИ АБДУРАҲМОНХОННИНГ ХИВА ВА БУХОРО ХОНЛИКЛАРИГА ТАШРИФИ ХУСУСИДА.

Ахмедова Дилафруз

Мустақил изланувчи

<https://doi.org/10.5281/zenodo.5571981>

ANNOTATSIYA

Ушбу мақолада, Афғон амири Абдураҳмонхоннинг Афғонистон тарихидаги ўрни ва сиёсий майдонга чиқишда қийинчиликларга учраб, Ўрта Осиё хонликларида келганлиги ҳақида сўз боради. Мақолани ёзишда Ўзбекистон Миллий архиви, И-125 жамғармасида сақланаётган "Афғон амирининг Хива хонига ёзган мактуби" маҳаллий манбалар ва адабиётларга қиёслаб ўрганилди.

бағишланган маросимда: "Мамлакатимиз янгиланиш даврига қадам қўйган биринчи кунлардан бошлаб биз очиқ, прагматик ва амалий ташқи сиёсат юритиб келаётганимиз сизларга яхши маълум. Ўтган қисқа даврда Ватанимизнинг минтақа ва жаҳон миқёсидаги сиёсий ўрни ва нуфузи кескин ошди. Дунёда Ўзбекистонга нисбатан ишонч руҳи ва ҳамкорликка интилиш тамойиллари кучайди. Сўнгги кунларда ён қўшнимиз Афғонистонда юз бераётган воқеаларни ҳаммамиз ташвиш билан кузатиб турибмиз. Биз бу мамлакатда тезроқ тинчлик ва барқарорлик ўрнатилиши тарафдоримиз. Афғонистон Марказий ва Жанубий Осиё минтақалари ўртасида ўзаро боғлиқликни мустақамлашда кўприк вазифасини бажара олишига ишонамиз. Афғонистон билан алоқаларимизда дўстлик ва яхши



қўшничилик муносабатларини қўллаб-қувватлаш ҳамда ички ишларга аралашмаслик тамойилларига содиқ қоламиз” дейилди¹.

Давлатчилигимиз тарихига назар солсак, жанубий ҳудудларда кечган кўплаб тарихий воқеалар бевосита Афғонистон ҳудуди билан боғлиқ ҳолда бўлганлиги кузатилади². Айниқса, XIX асрнинг ўрталари ва XX асрнинг бошларида минтақада инглиз-рус рақобати кучайган бир пайтда давлатлар ўртасида тинчликни, мустақилликни таъминлаш мақсадида ҳамжиҳат бўлиб ҳаракат қилиш тақозо этилган. Сиёсий харитада Афғонистон давлати ташкил топишида муҳим ўрин тутган Дурронийлар сулоласи (1747-1823) бошқаруви тугаб, бараказай қабиласи (1823-1919) вакилларининг ҳокимият тепасига келган даври билан чегараланади³. Бараказайлар сулоласи амирларининг фаолияти биринчи (1838-1842) ва иккинчи инглиз-афғон уруши (1778-1780) номи билан тарихга кирган энг қизғин курашлар даври билан характерланади. Баракзайларнинг биринчи амири Дўст Муҳаммадхон (1793- 1863) ўзини 1834-1839 ва 1842-1863 йилларда амир деб эълон қилди. “Амири кабир” яъни “улуғ амир” деб улуғланган Дўст Муҳаммадхоннинг вафотидан сўнг,

тахтга унинг ўғли Шералихон ўтирди. Бу вақтга келиб, Дўст Муҳаммадхоннинг (йигирмадан ортиқ ўғиллари бўлган) ворислари томонидан ҳокимият учун кураш бошланиб кетди. Бир неча йиллик курашда Дўст Муҳаммадхоннинг тўнғич ўғилларидан бири Муҳаммад Афзалхон (Шералихон ва Муҳаммад Афзалхон бошқа-бошқа оналарнинг фарзандлари бўлишган) 1867 йилда Шералихонни енгиб ўзини амир деб эълон қилди. Кўп ўтмасдан унинг вафотидан кейин Шералихон ҳокимиятга (1825-1879) қайта келди. Шунингдек, ҳокимиятни ўз қўлида мустақкам тутиб туриш учун муҳолифатдаги Муҳаммад Афзалхоннинг ўғиллари ва укаси Муҳаммад Аъзамхонга (Муҳаммад Афзалхондан кейин тахтда 1 йил ўтирган) таъйиқ кучайтирди. Мазкур “ҳокимиятдан узоқлаштириш” сиёсатида мақола қаҳрамони Абдурахмонхон (1844-1901) ва унинг амакиси Муҳаммад Аъзамхон аввалига Сейистонга кейин Эрон ва Машҳадга етиб борган⁴. Бироз вақт ўтгач, Абдурахмонхон Эрон шоҳидан кетишга рухсат олиб Хива хонлигидаги туркман чўллари орқали 40 кунлик қийинчиликлардан енгиб 1869 йил сентябр ойида ушбу ҳудудига етиб келган⁵. Ўз мамлакатида тахт учун бошланган курашда гоҳ ғалаба, гоҳ мағлубият билан сиёсат майдонида

¹ Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 30 йиллик байрамига бағишланган маросимдаги нутқи. “Халқ сўзи” газетаси. № 190. 01.09 2021. – Б. 2.

² Зиё А. Ўзбек давлатчилиги тарихи. – Тошкент: Шарқ, 2001. – Б.282.

³Афганское разграничение. Переговоры между Россией и Великобританией = Délimitation Afghane. Négociations entre la Russie et la Grand-

Bretagne : 1872-1885. - СПб. : Тип. А. С. Суворина, 1886. - 89, 381 с., В. М. Массон История Афганистана: В 2-х т. Т. 2. Афганистан в новое время / АН СССР. ИНА. — М.: Наука, 1965—552 с.: ил., карт. — Библиогр.: с. 479—498.

⁴ Шумов. С. Андреев. А. История Афганистана. Москва. “Крафт –Традиция–Евролинец”. 2002. С. 47–48.

⁵ Ромодин. В.А. Афганистан во второй половине XIX-начале XX в. Официальная история и историография. – Москва: Наука, 1990. – С.61–62.



турган афғон амири Хива ва Бухоро хонликлари кетишга мажбур бўлган эди. Абдурахмоннинг хонлик ҳудудларга келганлиги ҳақида Ўзбекистон Миллий архивида сақланувчи ҳужжатлардан билишимиз мумкин.

Абдурахмонхоннинг Хива хони Муҳаммад Раҳимхон II га юборган мактублар⁶идан бирида, Аллоҳга ҳамд ва наътлардан сўнг, Абдурахмоннинг кишилари Яхши юзбоши кўмаги билан Кўкарли манзилига соғ-омонликда етиб борилганлиги маълум қилинган. Абдурахмон ўзининг қолган одамларини Бухорои шарифга юборганлиги ва улардан хат-хабарлар етиб келганлиги ёзиб қолдирилган. Шунингдек, Бухородан келган хатнинг ичида Хива хонига жўнатилиши лозим бўлган мактуб ҳам борлиги, мазкур номадан умумий аҳвол ҳақида маълумотларни билиб олиши мумкинлиги хабар қилинган.

Афғон амири Абдурахмонхоннинг Хива хони Муҳаммад Раҳимхон II га ёзган иккинчи мактуб ҳам мавжуд бўлиб, унда сафар ҳолатлари маълум қилинган⁷. Мактубда: “Биродарим ва олиймақом Муҳаммад Раҳимхонга шу нарса маълум қилинадик, Аллоҳнинг бандаси (Абдурахмон) бу ерга кириб келди. Йўл машаққатлари сабаб Баҳожоҳ (?)да қолдик. Иншоаллоҳ, эртага яхшиликда ва чиройли кўринишда ҳазрати меҳрибон дийдорларига мушарраф бўламиз” дейилган. Хат давомида “маъсул амалдорлардан бири Мирзо

Қобил бўлмагани сабабли, бу хабарномани ёзиш лозимлиги боис, мактубни ёздириб, биродаримиз Ўзбек Баҳодирни юбордик” дейилган. Шунингдек мактубда, Абдурахмон ўзи ва яқинлари хусусида ҳам қисқа маълумотлар бериб ўтган: “Бу камтар хизматкорингизнинг яшаш жойи бобида (маълум қиламанки), ортиғи билан яхши ҳолатда турибман. Зиёда умргузаронлик бандалар роббиси (Аллоҳ изни) биландир!”. Кўриниб турибдики, мактуб мантлари хонлик ҳудудларида афғонларга яхши муносабатда бўлганликларини англатади. Мактубнинг сфрагистик жиҳатдан қимматли томони шундаки, мактуб Абдурахмон исми туширилган ёзувли, айлана шаклдаги муҳр билан тасдиқланган.

Афғон амирининг Хивага келиши воқеаси билан боғлиқ маълумотлар ўрганилаётган даврнинг муҳим манбаси бўлган Огаҳийнинг “Шоҳид-ул иқбол” асарида ҳам эслатиб ўтилган⁸. Асарда “Абдурахмон афғоннинг гардуни гардон гардиши ва Шералихоннинг саъйу кўшинидин мағлуб ва мунтаҳазим бўлуб, жалойи ватан ихтиёр қилғони ва Қобулдин қочиб, Хоразм субиға мутаважжих бўлуб, даргоҳи олампаҳоҳ хизматиға келғони ва подшоҳона иззат ва икром кўруб, Бухоро жонибиға озим бўлғони” каби маълумотлар берилган. Абдурахмон 18-сентябрнинг пайшанбасида Хива хонлиги ҳудудига кириб келганлиги ва “Йигирма кун муддат чоғлиқ Хивақ шаҳрида иззату

⁶ ЎзМА. И-125-жамғарма, 2-рўйхат, 260-йиғмажилд, 1-варақ: “Дружеское письмо афганского эмира Абдурахман хана хивинскому хану”.

⁷ ЎзМА. И-125-жамғарма, 2-рўйхат, 260-йиғмажилд, 2-варақ: “Дружеское письмо

афганского эмира Абдурахман хана хивинскому хану”.

⁸ Муҳаммад Ризо Эрнийезбек ўғли Огаҳий. Шоҳид-ул-иқбол (Иқбол шаҳодати) /Нашрга тайёрловчи Н.Шодмонов. – Тошкент: Муҳаррир, 2009. – Б. 237.



эҳтиром манзилида таваққуф кўргазгондан сўнг, Бухорога кетмак учун рухсат тилагани” маълум қилинган⁹.

Шу ўринда, инглиз-рус рақоботининг авж олиши оқибатида мустақил афғон амирлиги учун курашаётган ҳаракатдаги кучларга Бухоро амири томонидан ёрдам берилиши табиий ҳолат эканлигини эслатиб ўтиш жоиз. Чунки, Бухоро амирлиги минтақада тутган мавқеига кўра, иқтисодий жиҳатдан етук, қўшни давлатлар билан тинчликни таъминлаш, зарурий ҳолларда уларга ёрдам бериш мақомига эга бўлган¹⁰.

Абдурахмонхоннинг яқин кишилари ва лашкарлари Бухоро шаҳрига яқин келганлиги ҳақидаги хабар овозаси тарқалган бўлиб, Бухоро амирининг афғон амирини кутаётганлигини ҳақидаги хабари уни Бухорога тезроқ етиб бориш иштиёқини янада орттирган эди. Бунинг сабабини илгари ҳам Бухоро хонлигига келишни ихтиёр этгани бироқ, Бухоро амиридан рухсат бўлмаганлиги билан изоҳлаш мумкин¹¹. Айни вақтда Хива хони Муҳаммад Раҳимхон II афғон амири Абдурахмоннинг кетиши олдидан барча зарурий чора тадбирларни кўрганилгани борасида “Шоҳид-ул иқбол” асарида келтирилиб, “кўп меҳрибонлиғлар била анга (Абдурахмонга) изожат берилганлиги” айтилган. Шунингдек, Хива хонлиги ҳудудида амирлик мартабаси билан

эҳтиромланган Абдурахмонга ва унга тегишли бўлган кишиларга ҳурмат кўрсатганлиги куйидаги сатрларда намоён бўлган: “буюрди, то давлати абадмуддат аминлари анга олтунали жомлиғ ва мурассаъси томлиғ отлар неча қатор тоғ ҳайбатли ва фил қувватли тевалар ва этак-этак зару сиймлар инъом қилдилар. Ва яна ҳар на сафар асбоби ва йўл яроғи керак бўлса, ўзининг хоҳишича муҳайё ва омонда қилиб бердилар”. Бундай меҳрибонликларни кўрган Абдурахмонхон жуда хурсанд ва миннатдор бўлиб, ражаб ойининг авсотида (ўртасида) Бухорога жўнаб кетган¹². Асл мақсад, Бухоро хонлиги ҳудудларининг катта қисмини босиб олган ҳамда кучли ҳарбий қудратга эга бўлган чор Россиясининг қўллаб-қувватлашидан умидворлигига қаратилганлиги билан англашилади.

Амир Абдурахмонхоннинг яқин сафдошлари ва амалдорларининг Хива хонлигига сарҳадларига ортидан излаб келганлиги хусусида маълумотлар мавжуд. Ўзбекистон Миллий архивида сақланаётган бир мактубда афғон сардорлари Мозланхон ва Шердилхон Муҳаммад Раҳимхон II (1864-1910)га ёзилганлиги маълум бўлади¹³. Унда “Аллоҳнинг ердаги сояси ва халифаси хон ҳазратларига билдирилган юз минг дуо ва олқишлардан сўнг”, Мозланхон афғон ўзининг беш нафар, Шердилхон афғон тўрт нафар кишиси билан Хивага келганликлари, Абдурахмонхоннинг

⁹ Муҳаммад Ризо Эрнийезбек ўғли Огаҳий. Шоҳид-у-иқбол... – Б. 240.

¹⁰ Мирзо Олим Махмуд ҳожи. Тарихи Туркистон / Араб тилидан табдил: Ш. Воҳидов ва Р. Холиқулова.

– Тошкент: Янги аср авлоди, 2008. – Б. 191.

¹¹ [https://ru.wikipedia.org/wiki/Абдур-Рахман_\(эмир_Афганистана\)](https://ru.wikipedia.org/wiki/Абдур-Рахман_(эмир_Афганистана))

¹² Муҳаммад Ризо Эрнийезбек ўғли Огаҳий. Шоҳид-у-иқбол... – Б. 240.

¹³ ЎзМА. И-125-жамғарма, 2-рўйхат, 260-йиғмажилд, 3-варақ. Дружеское письмо афганского эмира Абдурахман хана хивинскому хану.



навкарлари эканлигини билдирган. Бироқ, амир Абдурахмонхон Бухорога кетиб қолганлигидан хабар топгач, аввало Худо ва сўнгра Муҳаммад Раҳимхон ҳазратларининг марҳаматларига умид қилиб, қабулларига келганликлари билдирилган. Мактубни ёзишдан мақсад маълум қилинар экан, навкарларнинг ош-овқати ва кийим-кечаклари таъминоти учун Хива хонидан ёрдам лозимлиги сўралган. Мактуб якунида, Аллоҳ хон ҳазратларининг умрларини зиёда қилишини сўраб дуо қилинган.

Амир Абдурахмоннинг хонликлар сарҳадига сафар қилганлиги ҳақида яна бир манба тасдиқлаб беради. Бу манба Афғонистоннинг энг истеъдодли ҳукмдорларидан бири деб ҳисобланган, ажойиб ақл эгаси, ўз мамлакати учун ташкилотчи ва ҳарбий қўмондон сифатида мамлакатни бирлаштириш ва тинчлантиришга эришган, маъмурий тизимни яратиш ва молиявий аҳволни яхшилашга муваффақ бўлган етакчи Абдурахмоннинг автобиографиясидир. Амир Абдурахмонхоннинг томонидан ёзилган асарда воқеалар кетма-кетлиги ва ишончли маълумотларга таянилган ҳолда ёзилганлиги манбанинг қийматини далиллайди. Таржимаи ҳолда, Абдурахмон, унинг яқинлари ва лашкарлари Хива хонлигига етиб келгандан кейинги воқеалар тафсилоти куйидагича келтирилган: “Шаҳар ташқарисидаги бир неча дарахтлари бор жойга тўхтадик. Мен ўзимнинг бир неча одамларимни (зарурий бўлган) у бу нарса сотиб олишга юбордим. Хива хонлиги кишилари мени хизматкорларимдан “озиқ-овқатларни ким учун сотиб олаётганликлари”ни

аниқлаш учун сўраганларида, ўз хўжайинларига “Буюк Дўстмуҳаммадхон набираси, амир Афзалхоннинг ўғли сардор Абдурахмон эканлигим” ҳақида маълум қилган. Маҳаллий ерлик кишилар амир Абдурахмонхоннинг хонликка ташрифини эшитиб, мазкур ҳудуддан ҳамма учун бир нечта чиройли уйлар ажратиш бергани ва бу хабарни Хива шаҳарига яъни Хива хони саройига етказиши қарори айtilган. Сафар хотиротларида: “Хива хони Муҳаммад Раҳимхон II ўз вазирини юбориб мени Хива шаҳрига таклиф қилган”лигини маълум қилган.

Юқордаги мактуб маълумотларига қўшимча ва уни тўлдирган ҳолда куйидаги маълумотларни таржимаи ҳолда ўқиймиз. Амир Абдурахмонхон Хивага етиб келган вақтида уни кутиб олиш учун 60 та қуролли (у қуролланган кишиларнинг барчаси қора танли кишилар эди) сарбозлар, қуролга тўла вагонлар ва уларнинг ҳаммаси жанговар ҳолатда шай турганлиги маълум бўлади. Ушбу хотира китобининг қизиқ томони шундаки, амир илгари ҳеч қачон бундай кишилар йиғилган ва тараддудланган жойни кўрмаганлигини айтиб ўтади. Унинг ташрифи учун 50 та мушаклар ва салютлар отилганлиги амир томонидан ёзиб қолдирилган. Унда Хива хони хорижий давлат вакиллари қабул қилиш учун маросим ташкил этилганлиги ҳақида сўз боради. Берилаётган маълумотнинг эътиборга молик томони “амирни қабул қилиш учун хоннинг ташқарига чиқиб кутиб олгани ва қўл бериб кўришгани” билан боғлиқ тафсилотлар берилган. Дурбар зали (афғонларда – қабулхона шундай



деб аталган) га кириб боргандан сўнг, Абдурахмонхонинг туркий тилни билмаслиги, хон уларнинг суҳбатини таржима қилиш учун таржимон тайинлаганлиги ёзилган. Ҳукмдорлар ўртасида суҳбат икки соатча давом этганлиги, суҳбатдан сўнг Хива хони уларнинг яшаши учун шаҳардан тахминан 200 чақирим (қадам) узоқликда жойлашган жуда чиройли уй ва боғ ажратиб берганлиги маълум қилинган. Яна бир маълумотнинг эътиборга молик томони шундаки, Хива хонининг амирнинг ҳаражатлари учун 200,000 тилла танга пул миқдорида маблағ ажратганлигини ва ўз вазири орқали хабар қилганлигини маълум бўлади. “Менинг ҳар кунги ҳаражатларим 30 кирон¹⁴дан ошмас эди. Шунга қарамай хазинабон 1000 тилла танга олиб келиб, хон ўз хазаначисига бу пулларни менинг ҳар кунлик ҳаражатларимга ишлатишим мумкинлигига ижозат берилган эди. Ниҳоят, мен бу одамга пулларни хазиначимга топширишини айтдим. Гарчи, менинг ҳаражатларим атига 30 киронни ташкил қилишини айтсамда, ҳар куни шунга ўхшаш миқдордаги пуллар олиб келарди”-дейилган¹⁵.

Мазкур воқеаликни мазмунан тўлдирувчи Туркистон генерал губернатори учун йиғилган маълумотларида амир Абдурахмонхон Хива хонлигида бўлган воқеаларни қўйидагича эсга олган: “Хивада мен 20 кун яшадим. Хива хонлиги

ҳукуматининг мукаммал даражада эканлигини кўриб ҳайрон қолдим. Хива хоннинг 25 ёшда эканлиги, ёш бўлишига қарамай бошқарувни ўз қўлида мустақкам тутганлиги хусусидаги кузатишлар сайёҳ кузатувчиларни ҳайратга солганлигини кузатдим”. Маълумотларда амир Абдурахмонхон Хива хонлигида (15 мингга яқин) мавжудлиги хусусида ҳам тўхталган. У Хивада афғонистонлик, эронлик ва “бошқа қабилалар”га мансуб қуллар ҳақида хабар қилган. У қулларнинг иш-юмушлари жуда оғирлиги, бундан нолиб даъво қилишганлигини ҳам айтиб ўтган¹⁶. Ҳаттоки, “Агарда ён атрофдаги кўшин бостириб келадиган бўлса, улар қулликдан озод бўлиши ва ватанларига қайтиш учун барча хиваликларни таслим қилишга тайёр эдилар” деб улар руҳиятидаги ҳолатларни ифодалаб берган.

Йигирма кунлик меҳмондорчиликдан сўнг, афғон амири Бухоро амирлигига кетишга қарор қилганида, Муҳаммад Раҳимхон II бу таклифнинг ўрнига ўз мамлакати орқали “одамларимни чақириниш” маслаҳатини берди дейилган¹⁷. “Лекин, у ерда (Бухорода) ўз ишларим борлигини айтиб” кетишга рухсат бериши сўралган. Кетиш олдидан хон амирга 150 та туя, рўзғор буюмлари, гиламчалар ва чодирлар бериб юборгани, хон билан хайрлашишга борилганда

¹⁴ Форс тангаси, ҳар бири 6 динорга тенг.

¹⁵ The Life of Abdur Rahman Amir of Afghanistan. Edited by Sultan Mahomed Advanced Student of Christ's College, Cambridge, Secretary of State of Afghanistan; Barrister-at-Law. With Portrait, Maps and Illustrations, vol. I-II, London. 1900. P. 135.

¹⁶ Ромодин. В.А. Афганистан во второй половине XIX-начале XX в. Официальная история и историография. – Москва: Наука, 1990. – С.62.

¹⁷ Бартольд В.В. События перед хивинским походом 1873 года по рассказу хивинского историка, – Бартольд В.В. Сочинения, т. II, ч. 2, М., 1964. С. 412.



кетаёганлигидан қаттиқ афсусдалиги”ни билдирган¹⁸.

Бухорога ва ундан Самарқандга бориш истагида йўлга чиққан Абдурахмон хотирлаб ёзади: “Беш кунлик йўлни босиб ўтганимдан кейин Амударёга етиб бордим. Ғуз ва Россия ҳукумати тасарруфидаги Шўрабхон чегарасидан ўтдим. У ердан йўлга тушиб 7 кундан сўнг, Бухоро мулкига қарашли Қорақўлга етиб келдим. У ердаги менинг хизматчиларим шунингдек, амакиваччам Исҳоқхон ҳам менинг келишимдан мамнун эдилар”¹⁹.

Абдурахмонхон Бухородаги янги турар жойини “вақтинчалик макон” деб билиб, аслида Рус ҳукумати худудига сайёҳат қилишни ният қилган. Хивадан Бухорога кетишда 15 кунлик йўл юриб Бухорога етиб боради ва Туркистон генерал-губернаторига мактуб йўллайди. Иккинчи мактубини Бухоро амири Қаршида бўлган вақтида Самарқандга юборади. Ёзилган хатда: “Мободо, 10 кун ичида Бухоро амири мени сизнинг ёнингизга боришимга рухсат бермаса, ўзингиз мени чақиртиб олинг” деган мазмунда ёзилган эди²⁰.

Шу жойда ўринли бир савол туғилиши табиий. Бухоро хонидан паноҳ истаб келган амир нима сабабдан рус маъмурига мурожаат қилган? Бухоро амири Музаффарнинг бошқаруви даврида унинг катта қисми руслар бошқаруви қўлига ўтган бўлиб, 1868 йилда Самарқанд ва Каттақўрғонни ўз ичига олган Зарафшон округи ташкил

этилиб, унга генерал-майор А.К. Абрамов бошлиқ этиб тайинланганди. Маъмурий ўзгаришларга кўра қолаверса, чор Россиясининг ўлкадаги таъсирини ҳисобга олиб, амир Абдурахмонхон Бухоро амиридан эмас, чор Россияси маъмурларидандан ёрдам сўраш ва паноҳ топиш мумкинлигини англаган. Абдурахмонхон рус ҳукуматининг Ўрта Осиё хонликларида олиб бораётган сиёсатидан хабардор бўлиб, диққат билан олиб борилган кузатувлар амирнинг қарорларига таъсир ўтказган дейиш мумкин.

Амир Абдурахмонхонни нима сабабдан Россия ҳукумати билан яқинлашиш борасидаги қарорга келганлиги хусусидаги саволга унинг автобиографиясидан жавоб топилади. Унда келтирилишига кўра, ўз мамлакатидан чиқиб кетиши арафасида яъни Ҳиндистон чегараларида амакиларининг Англия билан муносабатлари борасида муаммо пайдо бўлганлиги эслатилган. Айрим ҳолатларда инглиз ҳукумати томонидан уларнинг талаблари инобатга олинмаганлиги, шу сабабга кўра, ҳали хонлик худудига кириб келмасданоқ, Россия ҳукуматидан ёрдам сўрашга катта умид боғлаганлиги кузатилади²¹. Ҳаттоки, Хивада бўлган вақтида бир неча бор Россияга хонликнинг элчилари

¹⁸ The Life of Abdur Rahman Amir of Afghanistan. Edited by Sultan Mahomed Khan Advanced Student of Christ's College, Cambridge, Secretary of State of Afghanistan; Barrister-at-Law. With Portrait, Maps and Illustrations, vol. I-II, London 1900. -P. 137.

¹⁹ Ўша асар. – Б. 137.

²⁰ Ромодин. В.А. Афганистан во второй половине XIX-начале XX в. Официальная история и историография. – Москва: Наука, 1990. – С.62.

²¹ Амир Абдуррахман. Панд-нама-йи дунья ва дин, баб-и аввал – дар вакнат и саргузаит, Кабул, 1304 г.х С. 86.



билан бирга юборилишини сўраб муружаат қилган²².

1870 йил 13 февралда (эски ҳисобда) жами бўлиб, 221 та кишидан иборат бўлган Абдурахмонхоннинг оиласи ва яқин кишилари аскарлари билан “бутун афғонлар” Самарқандга етиб келган²³. Россиянинг Ўрта Осиё мулкларидан подшоликдан катта миқдордаги субсидия берилиши асосида ўн йиллаб яшаб қолиш имкониятига эга бўлган. Доимий яшаш жойи Самарқанд бўлган бўлсада, Абдурахмонхон бир неча мартаба Тошкентга генерал-губернатор Кауфман ёнига борган²⁴. Рус маъмурлари томонидан амир тез-тез байрам ва ҳарбий тадбирларида иштирок этиш таклифини олган. Ҳаттоки, бир сафар Абдурахмонхон дарё бўйидаги портлаш ишларни кузатиб, ҳарбий ишларда электр токининг ишлатилиши билан боғлиқ жараён билан танишишга муваффақ бўлган. Портлаш жойидан анча узоқликда жойлашган нуқтадан электр ўтказгич батареяларини улашни Абдурахмонхон томонидан бажарилиши сўралган. Абдурахмонхоннинг ушбу ихтироларга қизиқиши ортиб бориши натижасида кашфиётнинг моҳиятини тушуниш учун Россия гимназия мактабининг физика дарслигидаги “Электр энергияси” мавзусини форс тилига таржима қилдириб берган. Дарсликнинг муаллифи петербурглик Э.Х.Ленц (1804-

1865) бўлиб, тушуниш учун таржима қилинган қисмларида юзага келган саволларга тригонометрик формулалар билан танишиш орқали жавоб топилар, бундай масалаларга Абдурахмонхоннинг арифметикадан бошқа билимларнинг етарли бўлмаганлиги панд берганлиги келтирилган. Дарсликдаги кўплаб тажрибалар XIX асрнинг 70 йилларида Рус гимназиялари ўқитиладиган физика фанининг даражасидаги билимлардан ташкил топган бўлиб, Абдурахмонхон уларни ўзлаштиришга ҳаракат қилганлигини айтиб ўтиш мумкин²⁵.

Абдурахмонхонни кўпроқ амалий машғулотлар қизиқтирган. Кейинчалик унинг физика билан шуғулланишга бўлган қизиқишига шубҳа билан қарашсада, Петербургдан Самарқандга унга турли хил физик тажрибавий қурилмалар етказиб берилган. Бунинг натижаси ўлароқ, Россия матбуотда унинг Самарқандда эканлиги таъкидланиб, у ерда тез-тез миналар портлатишда тажрибалар ўтказганлиги хабар қилинган. Қолаверса, у ўз мулозимларига айлана бўлиб туриши ва электр токи ўтган сим ёғочни ушлаб кўришга мажбурлаганлиги ҳам айтиб ўтилган. Абдурахмонхоннинг Самарқандда яшаган йиллари унинг дунёқарашини янада кенгайтди. Кейинчалик ўз ватанига қайтиб ҳокимиятни қўлга олган вақтида ўзининг техникага

²² The Life of Abdur Rahman Amir of Afghanistan. Edited by Sultan Mahomed Khan Advanced Student of Christ's College, Cambridge, Secretary of State of Afghanistan; Barrister-at-Law. With Portrait, Maps and Illustrations, vol. I-II, London 1900. P. 136.

²³ Ромодин. В.А. Афганистан во второй половине XIX-начале XX в. Официальная история и историография. – Москва: Наука, 1990. – С.62.

²⁴ Бартольд В.В. История культурной жизни Туркестана, – Бартольд В.В., Сочинения, т. II, ч. I, М., 1963. С 419.

²⁵ Ромодин. В.А. Афганистан во второй половине XIX-начале XX в. Официальная история и историография. – Москва: Наука, 1990. – С.63.



қизиқишини (ҳарбий ишларда) инглиз мутахассислари ёрдамида кўрсата олган. Шундан сўнг Қобулда ҳарбий завод ташкил қилиб, турли устахоналарга асос солган.

Вақтлар ўтиб, Абдурахмонхон Афғонистонда ҳокимиятни ўз қўлига олгандан сўнг, Ўрта Осиё хонликлари хусусан, Хива ва Бухоро хонликлари билан алоқалари доимий сақлаб туришга эришсада, “Сираж ут-таворих” асарида келтирилганидек, Абдурахмонхон 1881-1883 йиллар оралиғида Россия билан зиддиятли муносабатга киришмаслик учун Ўрта Осиё хонликлари билан эҳтиёткорона муомалада бўлган²⁶. Абдурахмонхон тез орада Ҳирот устидан ҳукмронлигини ўрнатгандан кейин, Хива хонлигидан Эшон Мирзо Қоравулбеги хат билан бу шаҳарга ташриф буюрганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд²⁷. Ҳиротда кутиб турган Абул Қуддусхон хатни қабул қилиб амирга етказди. Хат мазмунида Хива хони Россияга қарши курашда афғон амиридан ёрдам сўраб қилган мурожаати акс эттирилган. Амир 1298 ҳижрий йилнинг 21 зулҳижжа ойида (1881 йил 16 ноябр) Қандаҳорда бўлган вақтида ўз имзоси билан хатни қабул қилгани ва Абдул Қуддусхонга Хива элчисини самимий қабул қилишини ва Хива хонининг номаси ҳақида ҳеч кимга маълум бўлмаслигини тайинлаб буйруқ берилган. Абдурахмонхон бу ишни давлат сири эканлигини англаб: “Хива хонлиги элчисининг келганини яшириш қийин ва агарда кимдир хабар топадиган бўлса, бу элчининг давлатлар ўртасида

ҳар доим яқин қўшнилар бир-бирларини ғалаба муносабати билан қутлаш анъанасига содиқ қолган ҳолда бизни Ҳирот устидан зафар кучганимиз муносабати билан табриклагани ташриф буюрганлигини” деб изоҳлайди. Амирнинг кўрсатмаси билан ёзилган жавоб хати ва совға-саломлар элчига тақдим қилиниб, Ҳиротдан Хивага жўнатилган. У Хива хони Муҳаммад Раҳимхон II ва унинг амалдорларига ўз миннатдорчилиги ва мазкур хатдан жуда хурсанд бўлганини билдирган.

Тез орада юқоридаги элчилардан ташқари, амир Абдурахмонхон Хоразмдан яна бир Абдулазиз туркман бошчилигида элчиларни қабул қилган. Улар афғон амирига Хива хони томонидан совға сифатида тақдим қилинган 6 та от ва қимматбаҳо буюмлар олиб келган. Ташриф буюрган элчилар ҳам чопонлар (халат) билан тақдирланиб, Хива хони Муҳаммад Раҳимхон II учун кўплаб қимматбаҳо совға-саломлар билан ўз ватанларига кузатиб қўйилган.

Тарихда бундай кўринишдаги дипломатик “борди-келди”лар кўп мартаба амалга оширилган. Бироқ, кескинлашиб бораётган импералистик давлатларнинг сиёсати амир Абдурахмонхонни мазкур элчиларга аниқ бирор жавоб, раҳм-шавқат ёки ҳайрихоҳлик билдирувчи фикрни билдирмаслигини талаб этарди. Унинг жавобларида, мактуб эгасига нисбатан мамнуният ва миннатдорчиликлар билдирилиб, Хивада кечаётган

²⁶ Ромодин. В.А. Афганистан во второй половине XIX-начале XX в. Официальная история и историография. – Москва: Наука, 1990. – С.86.

²⁷ Файз Мухаммад. Сирадж ат-таварих. Т. 1–3. Кабул, 1331–1333 гг.х.(1912/13–1914/15), С. 383–384.



ҳолатларга ва унинг сабабчиларига нисбатан “ўзини тийиб туришдек” муносабатда бўлиши афзал кўринган. Шу билан бирга, Абдурахмонхон ўз мактубларида Ўрта Осиё билан Афғонистон келажакда доимий қўшничилик алоқаларини узмаслигини изоҳлаган.

1881 йилда Абдурахмонхонга Марв ҳукмдори Маҳтумқули Марвни Афғонистон давлати таркибига қўшиб олишни сўраб мурожаат қилган. Аммо, амир бу таклифга бир неча сабабларни кўрсатиб рад жавобини берган. Абдурахмонхон уларга жавобан: “Узоқни билгувчи” Марв ҳукмдори Маҳтумқулининг аризасига кўра, Марв вилоятини Афғонистон давлати таркибига қўшиб олиш ҳукмдорнинг хоҳиш истаги бўлиб, унинг буюк марҳаматли номасига жавоб хатида “Марв ҳудуди узоқда жойлашган бўлиб, ҳозирги кунда у ерда яшовчиларнинг вазиятидан келиб чиқиб Россия ёки Эрон ҳукумати билан алоқа қилишлари керак”лиги ёзилган. Шунингдек, Буюк Абдурахмонхон у ерлик ҳар бир киши учун интилаётганлиги, “ёнғинларни ўчиришга” ҳаракат қилаётгани айтиб ўтилган²⁸. Маҳтумқулининг ушбу ҳаракатларидан самара бўлмагач, Маҳтумқули 1884 йил феврал-март ойларида Туркман ерларини Россия ерларига қўшиб олиш сиёсатига кўмаклашади ва Россия хизматида офицер мансабига эришганлиги маълум. Россия империясига бўйсунган қисми Марв уезди деб юритилган. Бу вақтда Марвда яшовчи айрим қабилалар Хива

хонлигига бўйсунган. Хива таркибида бўлиши Марв вилоятига Россияга нисбатан камроқ маъсулият юклар эди шу сабаби, 1873 йилда Хива Россия империясининг протекторатига айланган.

Абдурахмонхоннинг Бухоро амирлиги билан муносабатлари асосан савдо алоқаларига йўналтирилганлиги билан изоҳланади. Савдода асосан кўрақўл териси ва бошқа маҳсулотлар айирбошланган²⁹. Бухоро амирлиги Музаффархон ҳукмронлиги даврида (1860-1885) Россия империяси таркибида бўлган бўлса-да, қўшни давлатлар билан тор доирада дипломатик алоқалар олиб борилган³⁰. Бироқ, Гандамак шартномасига мувофиқ, Абдурахмоннинг бошқарувида давлат ташқи сиёсий алоқаларида қатъий чеклов қўйилган эди. Шунинг учун Абдурахмонхон ҳукмронлигининг илк йилларида Бухоро ва бошқа давлатлар билан дипломатик алоқалар олиб боришга ўрин қолмаган. 1886 йилдан кейин Бухорода Россиянинг таъсир кучи ортгандан сўнг, Абдул Аҳадхоннинг ҳукмронлигининг охириги йиллари (1885-1910) гача бўлган даврда Бухоро амирлигининг қўшни давлатлар билан элчилик алоқаларига йўл қўйилмади. Истисно тарзида Бухоро амирлигининг чет мамлакатлар билан хусусан, Афғонистон давлати билан юқори амалдорлар томонидан махфий тарзда олиб борилган. Масалан, тарихий маълумотларига қараганда, Файзобод ҳукмдори Мир Аҳмадшоҳ 1888 йилда

протектората. // Восточный архив. 2017. № 1 (35). – С. 23.

²⁸ Сирадж ат-таварих. С. 388.

²⁹ Сирадж ат-таварих. С. 1113, 1149.

³⁰ Почекаев Р. Ю. Политико-правовые реалии Бухары в период установления Российского



давлат хизмати билан бир қанча муддат Бухорода бўлганлиги ва Бухоро амирининг Мир Аҳмадшоҳга 4 минг танга, иккита юқори сифатли от бериб, бир қанча муддатдан кейин ўз ватанига қайтишга рухсат берганлиги ҳақида маълумотлар келтирилган³¹. Мир Аҳмадшоҳ амир Абдурахмоннинг яқин кишиларидан бўлиб, махфий топшириқни бажариш учун Бухорога жўнатилган. Айни вақтда Жанубий Туркистонда Афғонистон амирига қарши ҳаракатлар бошланаётган эди³². Тарих саҳнасига чиққан амир ўн йиллар мустақилликни сақлаб қолиш учун кураш олиб борди.

Олиб борилган тадқиқот натижалари қуйидаги хулосаларга олиб келди: Бараказайлар сулоласининг еттинчи амири саналган амир Абдурахмон Афғонистондаги ички курашлардан ўзига паноҳ истаб аввал Хива хонлиги, кейин Бухоро амирлиги ҳудудига борган. Айнан воқеалар акс этган мактублар ЎзМА фондида сақланади ва фонд маълумотлари давр дипломатияси хусусида қимматли маълумотларни беради. Мактуб

маълумотлари шу даврни акс эттирувчи ёндош манбалар билан солиштирилди. Мавжуд вазиятни ҳисобга олган амир чор Россияси билан мустақкам алоқа ўрнатганлиги манбалар таҳлилида намоён бўлди. Ўн йиллаб ўз мустақиллиги йўлида курашган амир Абдурахмон ҳарбий қуроллардан фойдаланиш, янги портловчи моддаларнинг ихтиросига доир техникани айнан хонликлар ҳудудида ўрганилганлиги маълум бўлди. Туркистон ҳудудида кечган ўн йиллар амир Абдурахмонхонни кучли қўмондон сифатида жанговар майдонга тайёрлади. Хонликлардаги кузатилаётган ўзгаришлар уни сиёсий раҳбар сифатида ўз йўлини мустақкам тутишига таъсир кўрсатди. Амир Абдурахмон ҳақида мавжуд бўлган маълумотларни архив ҳужжатлари мазмунан тўлдириб, даврни акс эттирувчи қимматли фактларни бериш билан манба сифатида аҳамият касб этади. Тарих таржибаси ҳудуди яқин бўлган Афғонистон давлати билан тинчлик ва барқарорликни ўрнатиб, дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатларини қўллаб-қувватлашга чорлайди.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 30 йиллик байрамига бағишланган маросимдаги нутқи. “Халқ сўзи” газетаси. № 190. 01.09 2021. – Б. 2.
2. Зиё А. Ўзбек давлатчилиги тарихи. – Тошкент: Шарқ, 2001. – Б. 282.
3. Афганское разграничение. Переговоры между Россией и Великобританией = Délimitation Afghane. Négociations entre la Russie et la Grand-Bretagne : 1872-1885. - СПб. : Тип. А. С. Суворина, 1886. - 89, 381 с., В. М. Массон История Афганистана: В 2-х т. Т. 2. Афганистан в новое время / АН СССР. ИНА. — М.: Наука, 1965—552 с.: ил., карт. — Библиогр.: с. 479—498.
4. Шумов. С. Андреев. А. История Афганистана. Москва. “Крафт –Традиция–Евролинц”. 2002. С. 47–48.

³¹ Сирадж ат-таварих. С. 617-618.

³² Сирадж ат-таварих. С. 632, 781, 918, 964.